



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 7 февраль, № 27 (8922)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КИМЁ САНОАТИДА МАВЖУД ИМКОНияТЛАР КўРСАТИБ ўТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
6 февраль куни кимё саноатида
2025 йилги режалар муҳокамаси
юзасидан йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда бу тармоқда сезиларли ўзгариш бўлгани, янги технологик занжирларни яратиш учун инвестицияларга кенг йўл очилгани билан, йирик кимё заводлари фаолияти ҳали замон талаблари даражасида эмаслиги қайд этилди.

Шу боис танқидий руҳда ўтган йиғилишда соҳадаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга ҳали ишлатилмаган имкониятларни, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни аниқ кўрсатиб ўтди.

Масалан, илғор технологияларни жорий этишни жаддаллаштириб, кимё корхоналарида қўшилган қийматни ҳозиргидан бир неча баробар ошириш мумкин.

Президентимиз бу борадаги камчиликларни қайд этиб, юқори технологияли инвестиция лойиҳаларини қаррасига қўпайтириш вазифасини қўйди.

Ҳукуматга тармоқдаги муаммоларни тезкор ҳал этиш, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш ва лойиҳаларни жаддаллаштириш бўйича қатъий топшириқлар берилди.

Тармоқдаги ҳар бир корхонани рақамлаштириш, қувватлардан оқилона фойдаланиш, энергия самарадорлигини ошириш ва таннархни камайтириш бўйича мутасаддиларга аниқ вазифалар белгиланди.

Ў.А.

Учрашув

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙўЛИДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТнинг Гейхванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Афғонистон, Марказий Осиё, Покистон ва Эрондаги минтақавий вакили Оливер Штолпе билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва БМТнинг мазкур бошқармаси ўртасидаги ҳамкорлик, уюшган трансмиллий жиноятчилик, одам савдоси ва терроризмга қарши кураш янги босқичга кўтарилгани таъкидланди. Минтақада инсон ҳуқуқлари устуворлигини ва гендер тенгликни таъминлаш, муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, коррупция ва одам савдосига қарши курашишда парламентнинг тугган ўрни атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши кескин курашиш чораларининг қўнғий асослари яратилгани, бу эса халқаро даражада эътироф этилаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, одам савдоси, мажбурий меҳнат ва хорижда ишлаётган муҳожирлар муаммоларини ҳал этишда мамлакат ижобий натижаларга эришгани, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшиллангани таъкидланди.

Учрашувда томонлар келгусида ҳам ижобий натижаларни ошириш учун ташкилот билан муносабатларни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашди. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича ҳамкорликни фаоллаштиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».



МАЛАЙЗИЯ МАЪРИФАТИ

Унинг нақадар теран эканлиги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу мамлакатга
расмий ташрифи давомида яна бир бор ёрқин намоён бўлди

Маърифатга, маънавиятга асосланган жамиятлар мислсиз ривожланмоқда, чексиз юксалмоқда, тобора тараққий этмоқда. Президентимизнинг Малайзияга ташрифини диққат билан кузатар эканман, давлатимиз раҳбарига кўрсатилаётган юксак эҳтиром, ишонч, чексиз меҳрни қўриб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Зеро, фақат маърифатли мамлакатдангина бундай самимий муносабатни кутса бўлади.

Ўзбекистон ва Малайзия... Бу икки маърифатли мамлакатнинг яқинлиги, бир-бирини сўзсиз тушуниши, қўллаб-қувватлаши, яқинлашувидан мўъжизалар содир бўлиши мумкин. Бунга Малайзия томони ҳам, Ўзбекистон ҳам тайёр.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти матбуот котиби
Шерзод Асадов ўзининг
“Facebook”даги саҳифасида
шундай ёзади:

“Бир неча дақиқа олдин
Ўзбекистон Президентининг
Малайзияга сўнгги 20 йил ичида
илк расмий ташрифи яку-

нига етди. Дипломатик тажрибам ва матбуот котиби сифатидаги фаолиятимга асосланиб айтишим мумкинки, икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги самимий муносабат ва норасмий мулоқот жуда ёрқин таассурот қолдирди.

Ушбу гўзал ва меҳмондўст мамлакат раҳбарияти Президентимиз билан самимий учрашувлар ўтказиш учун қатъий протокол қоидаларидан чекиниб, юксак ҳурмат ва ишонч намоиши этганига гувоҳ бўлдим.

Президентимизни кутиб олишга Малайзия парламенти айтишим чикқани, малайзиялик ҳамкасбларимизнинг айтишича, ушбу мамлакат протокол амалиётида илғори кузатилмаган воқеа бўлди. Бундан ташқари, Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим Президентимиз Шавкат Мирзиёевга бутун кун давомида, барча расмий тадбир ва учрашувларда ҳамроҳлик қилди. Хаттоки, мулоқотни давом эттириш учун Ўзбекистон Президентига ажратилган қароргоҳга шахсан ташриф буюрди...

Бундай норасмий ва самимий муносабат икки етакчи ўртасидаги яқин дўстликдан, Ўзбекистон ва Малайзия халқларининг бир-бирига бўлган юксак ҳурмати, икки томонлама муносабатларнинг порлоқ истиқболдан далолат беради”.

Матбуот котибининг ёзганларини ўқиб, юксак мартабага лойиқ қўрилган давлатнинг бир фуқароси сифатида кўнглим фахр-ифтихорга тўлди. Президентга кўрсатилган бундай эътибор замирида Ўзбекистонда юз бераётган, орта қайтмас ислохотлардан хабардорлик, хайрихоҳлик туйғулари мужассамлашган. Бу юксак эҳтиром, нафақат Президент Шавкат Мирзиёевга, балки унинг ортида турган, унга ишонган бутун халқимизга кўрсатилган ҳурмат эканига имомин қомил.

Бугун бутун дунё эшикларини янги Ўзбекистон меъмори бўлган Президент Шавкат Мирзиёевга очик.



Муносабат

Дўстлик ришталари парламентлараро мулоқот орқали янада мустаҳкамланади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг тақлифига биноан 4-5 февраль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Ташриф доирасида бир қатор муҳим келишувларга эришилди. Булар, ўз навбатида, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ҳамда Малайзия алоқалари мустаҳкам дўстлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, умумий дин ва ўхшаш маданий қадриятларга таянади. Ўзаро шерикликнинг имкониятлари катта.

Хусусан, Малайзия Жануби-Шарқий Осиёдаги юқори технологияли саноат, электроника экспорти ва туризмга асосланган қучли иқтисодийта эга ўлкалардан биридир. Икки мамлакатнинг ўзаро савдо айланмаси 2024 йилда 102,4 млн. АҚШ долларидан ошди. Албатта, ушбу кўрсаткич давлатимиз ҳамкорлигининг салоҳиятини акс эттираётгани йўқ. Шу сабабли ташриф давомида Ўзбекистон савдо тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш, ўзаро саноат кўргазмаларини ўтказиш, Саноат кооперацияси дастурини қабул қилишга келишиб олин-

гани айнан товар айирбошлашни қўпайтиришга қаратилган. Қолаверса, инвестициялар, инновациялар, технологик кооперация, нефть-кимё, электроника, “яшил” энергетика, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, туризм, геология, фармацевтика каби тармоқларда Малайзиянинг салмоқли кўрсаткичлари сабабли Ўзбекистон учун ушбу соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга.

Яна бир жиҳат шундаки, ҳар икки давлат ҳам ислом анъаналарига асосланган ўхшаш маданий ва тарихий илдишларга эга. Бу сайёҳлик, айниқса, диний ҳамда тарихий соҳаларда гуманитар алоқаларни, ислом молиясини амалга ошириш, маданий алмашинувларни ривожлантириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш учун яхши замин яратади.



Олий Мажлис Сенатида

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДА ЁШЛАР ОВОЗИ

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламентининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.



Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигида ўтган тадбирда сўзга чиққанлар Ёшлар парламенти аъзолари яратилган имкониятлар, қабул қили-

наётган қонун ва қарорлар билан тенгдошларини яқиндан таништириш, уларнинг муаммо ва тақлифларини тегишли органларга етказиш билан бирга қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам фаоллик кўрсатиб келаётганини таъкидлади. Ёшлар парламентининг 2 нафара аъзоси Қонунчилик палатаси, 20 нафари эса халқ ишончига сазовор бўлиб, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайлангани амалий натижа сифатида эътироф этилди.

Ёшлар парламенти аъзолари барча йўналишда сенаторлар билан ёнма-ён туриб тажриба орт-

тирди, янги институт доирасида муайян натижаларга эришиб, зарур тузилма эканини исботлади. Ёшлар ва уларнинг муаммоларига дуч келар эканмиз, баъзиларига таскин берамиз, айримларига йўл-йўриқ кўрсатамиз. Ёшлар парламенти эса айни шу масалаларни қўнғийчиликда акс эттириш имкониятига эгалиги билан муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

Айтиш жоизки, Ёшлар парламенти маҳаллий Кенгашлар тавсияси асосида 84 нафар 30 ёшгача бўлган депутатлардан, 10 нафари Ёшлар ишлари агентлиги, 6 нафари Олий Мажлис Сенатининг тегишли қўмитаси тавсиясига биноан шакллантирилган.



«Халқ сўзи».

Кенгаш йиғилиши

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИ САЙЛОВЧИЛАРГА ЯҚИНЛАШТИРМОҚДА

Президентимиз 2024 йил 18 ноябрь куни янги сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, одамларни қийнаётган муаммоларни жойида ҳал этиш бугун жуда долзарб масалалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Ҳар ойнинг охириги ҳафтасини ўз сайлов округида ўтказиётган депутатлар давлат раҳбари талабидан келиб чиққан ҳолда аҳоли хонадонлари, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа объектларига бориб, фуқаролар, тадбиркорлар, жамоатчилик вакиллари ва ёшлар билан юзма-юз мулоқот қилишяпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг наватдаги йиғилишида депутатларнинг сайлов округларидаги учрашувлари якунлари ҳамда қуйи палатада жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган тақлифларини қўриб чиқиш бора-сидаги ишларини янада самарали ташкил этиш ҳақидаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

2024 йилги парламент сайловларида 75 нафар депутат янги пропорционал сайлов тизими асосида сайланган эди. Ягона сайлов округи бўйича партия рўйхати асосида сайланган ушбу депутатлар ҳам ҳудудларга бириктирилиб, уларнинг жойлардаги фаолиятини ташкил этиш

концепцияси тасдиқланди ва ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлари ўтказилди.

Хусусан, жорий йил 27 январь — 1 февраль кунлари депутатлар янги ҳафтада, янги ҳафта ва услублар орқали халқ билан яқиндан мулоқот қилди. Аҳоли ва маҳаллий Кенгаш депутатлари билан бўлиб ўтган учрашувларда депутатлар давлатимиз раҳбарининг ўтган йил ноябрь ойида парламентдаги учта тарихий нутқи мазмун-моҳияти ва аҳамияти, янги шаклланган парламент, партиялар фракциялари ва қўмиталар фаолияти ҳақида атрофлича маълумот беришди. Учрашувларда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларга ижобий ечим топиш масалалари устуворлик касб этди ва жойлардаги муаммоларни партияларнинг сиёсий мафқураси ва електорати манфаатидан келиб чиқиб ўрганишга катта аҳамият қаратилди.

ЎзЛиДеП — тадбиркорлик, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти, “Миллий тикланиш” ДП — миллий туризм, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ри-



вожлантириш, “Адолат” СДП — тиббиёт соҳасидаги муаммолар, дорилар устидан назоратни қучайтиришга оид масалалар, ЎзДП — ногиронлиги бор инсонларни қўллаб-қувватлаш, таълим соҳасидаги муаммолар ва Экопартия томонидан “Яшил макон” умумий лойиҳасини амалга ошириш, атмосфера ҳавоси тозаллиги, чиқиндилар масалалари ўрганилди.

Ўтказилган учрашувлар ва мулоқотларда мамлакатимизда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бориши, янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти сайловчиларга етказилди. Оқибатда давлат дастури лойиҳасининг халқ билан бамаслаҳат қабул қилинаётгани, унда аҳолининг барча зарур эҳтиёжи қамраб олингани юртдошларимизнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлганлиги қайд этилди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига оид нормаларига шарҳ бериш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди (бундан буён матнда — Конституциявий суд) раислик қилувчи М.Абдусаломов, судьялар А.Гафуров, К.Камилов, Ж.Балкибаева, К.Давлетова, Р.Исмаилов, А.Рахимов ва А.Раҳмановдан иборат таркибда, катта эксперт У.Гиязовнинг котиблигида, тараф вакиллари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Ш.Полванов, судьялари У.Холов, Ш.Саидов, Д.Исраилова, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (бундан буён матнда — Савдо-саноат палатаси) вакиллари Н.Сапарниязов, Ж.Носировларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг (бундан буён матнда — Олий суд) мурожаати бўйича Ўзбекистон Республикаси «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунининг (бундан буён матнда — «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун) 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмининг Савдо-саноат палатасига оид нормаларига шарҳ бериш тўғрисидаги ишни очик суд мажлисида қуриб чикди.

Конституциявий суд судья К.Давлетованинг маърузасини, Олий суд, Савдо-саноат палатаси ва тегишли давлат органлари вакилларининг тушуниришларини ҳамда Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзоларининг фикрларини эшитиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйдагиларни

АНИҚЛАДИ:

Олий суд, Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2023 йил ва 2024 йилнинг 9 ойи давомида судларга киритилган давво аризалар (аризалар) юзасидан давлат божи ундирилишига оид суд амалиётини умумлаштириб, таҳлил қилган. Шу давр давомида республика бўйича фуқаролик ишлари бўйича, иқтисодий ва маъмурий судлар томонидан Савдо-саноат палатасининг палата аъзолари манфаатида киритилган давво аризалари (аризалар) қаноатлантириш рад этилиши натижасида 57 та ҳолатда 223 708 440 сўм давлат божи Савдо-саноат палатасидан, 6 179 та ҳолатда 40 815 919 954,1 сўм давлат божи, манфаатида ариза киритилган Савдо-саноат палата аъзоларидан ундирилган. Судларда бундай икки хил амалиётнинг шаклланишига «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 8, 9, 10-моддаларининг иккинчи қисмидаги Савдо-саноат палатасига оид нормаларини турлича талқин этилиши ва зиддиятли қўлланилиши сабаб бўлган. Мазкур Қонун нормалари бир хилда талқин қилиниши ва қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Олий суд Конституциявий судга мурожаат қилиб, «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмининг Савдо-саноат палатасига оид нормаларига расмий шарҳ беришни сўраган.

Суд мажлисида Олий суд, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари вакилларининг фикрлари ва тушуниришлари эшитилди.

Конституциявий суд, Олий суднинг мурожаати ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд мажлисида иштирок этган тараф вакилларининг фикрларини эшитиб, «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмининг Савдо-саноат палатасига оид нормаларига шарҳ беришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 133-моддаси биринчи қисмининг 5-банди, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни 4-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига мувофиқ, Конституциявий суд Конституция ва қонун нормаларига шарҳ беради.

Конституциявий Қонуннинг 85-моддаси иккинчи қисмига биноан Конституциявий судга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш ҳақидаги мурожаатда Конституцияда ва қонунда уларнинг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилишига олиб келган ноаниқликлар мавжудлигига доир вазлар ҳамда далиллар кўрсатилган бўлиши керак.

Олий суднинг мурожаатида келтирилишича, Савдо-саноат палатаси томонидан палата аъзоларининг манфаатини кўзлаб судларга киритилган давво аризалари юзасидан давлат божи ундирилишига оид суд амалиёти умумлаштирилган. Унга кўра, 2023 йил ва 2024 йилнинг 9 ойда Савдо-саноат палатаси томонидан ўз аъзоларининг манфаатларини кўзлаб иқтисодий судларга тақдим этилган 59 883 та давво аризасининг 2 967 тасини қаноатлантириш рад этилган ва 36 643 092 823,3 сўм давлат божи манфаати кўзланиб давво киритилган тадбиркорлик субъектларидан ундирилган бўлса, 2024 йилнинг 9 ойда 2 та ҳолатда жами 35 408 440 сўм давлат божи Савдо-саноат палатаси ҳисобидан ундирилган. Шу давр мобайнида маъмурий судларга тақдим этилган 940 та давво аризанинг 462 тасини қаноатлантириш рад этилган бўлиб, 407 та қарор билан 1 068 814 000 сўм давлат божи манфаати кўзланиб давво киритилган палата аъзоларидан ундирилган бўлса, 55 та суд қарори билан 188 300 000 сўм Савдо-саноат палатаси ҳисобидан ундирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан эса 2023 йил ва 2024 йилнинг 9 ойи давомида палата аъзолари манфаатида тақдим этилган 350 945 та давво аризасининг 2 807 тасини қаноатлантириш рад этилган ва барча ҳолатда 3 104 013 130,8 сўм давлат божи манфаати кўзланиб давво киритилган палата аъзоси ҳисобидан ундирилган.

«Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг 14-банди, шунингдек, 9 ва 10-моддалари биринчи қисмининг 2-бандларига асосан, Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган давволар бўйича фуқаролик ишлари бўйича, иқтисодий ва маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган.

«Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 8, 9, 10-моддаларининг иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган микдорига мутаносиб равишда ундирилиши белгиланган.

Мазкур Қонун нормалари судлар томонидан турлича талқин қилинаётганлиги кўринади. Масалан, айрим маъмурий ва иқтисодий судлар томонидан Савдо-саноат палатаси аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган давволар бўйича давво талаблари қаноатлантиришдан рад этилганда Қонуннинг 9, 10-моддалари иккинчи қисмига асосан давлат божи Савдо-саноат палатаси ҳисобидан ундирилган бўлса, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан эса давлат божи манфаати кўзланиб давво киритилган палата аъзолари ҳисобидан ундирилган.

«Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, ваколатли муассасаларга ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган ва ўзига нисбатан юридик аҳамиятга молик ҳаракат ва (ёки) ҳужжатлар бериш амалга ошириладиган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилардир.

Судларга давво ариза (ариза) беришда давлат божини тўлаш асослари ва тартиби, уни тўлашни кекиштириш, тўлашдан озод қилиш тартиби ҳамда давлат божини қайтариш тартиби «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун нормалари билан белгиланган.

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Қонуни 21-моддасининг иккинчи қисмига кўра, Палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан давволар тақдим этиш, давлат ва ҳўжа-лик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракат-сизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Мазкур Қонуннинг 35-моддасига кўра, Палата ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Олий суднинг мурожаатида «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 8, 9, 10-моддаларининг иккинчи қисмида Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари талабларини қаноатлантириш рад этилган тақдирда, давлат божи ундиришда ноаниқликнинг мавжудлиги ва бу амалиётда қонун нормасининг нотўғри талқин қилинишига ва қўлланилишига олиб келаётганлиги кўрсатилган.

Конституциявий Қонуннинг 85-моддаси биринчи қисмига биноан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш уларда нормаларнинг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилишига олиб келган ноаниқликлар топилган тақдирда амалга оширилади. Шунингдек, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 55-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда амалга оширилиши белгиланган.

«Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 8, 9, 10-моддалари давлат божини тўлашдан озод қилиш масаласига тааллуқли бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича, иқтисодий ва маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш тартибини белгилайди.

«Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси биринчи қисмининг 14-бандига кўра, Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган давволар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган. Мазкур модданинг иккинчи қисмида, ушбу модда биринчи қисмининг 14-бандида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган микдорига мутаносиб равишда ундирилади.

«Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган давволар юзасидан иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган. Мазкур модданинг иккинчи қисмида, ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган микдорига мутаносиб равишда ундирилиши назарда тутилган.

«Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб берилган аризалар бўйича маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган. Мазкур модданинг иккинчи қисмида, ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган микдорига мутаносиб равишда ундирилиши белгиланган.

Қонун ҳужжатларида давлат божини тўлашдан озод этилган давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек ташкилотлар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган давво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб давво тақдим этилган шахслардан давво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилиши белгиланган.

«Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида давлат божини ундирилишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган. Мазкур модданинг йигирма тўртинчи қисмида давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб билдирилган талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан давво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси еттинчи қисмида, давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқаролар-

нинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган давво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб давво тақдим этилган шахслардан давво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, деб белгиланган. Худди шундай нормалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 138-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 115-моддаси бешинчи қисмларида ҳам мустақамланган.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлардан келиб чиқиб, «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмининг Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган давволар ва аризалар бўйича, Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган микдорига мутаносиб равишда ундирилади деган норма, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан давво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилишини назарда тутайди, деган хулосага олиб келади.

«Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг йигирма тўртинчи қисми билан ушбу Қонуннинг 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмининг Савдо-саноат палатасига оид нормаларини қўллашда судлар томонидан Савдо-саноат палатаси томонидан судларга киритилган давво аризалар (аризалар) бўйича талабларни қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган ҳолатларда давлат божи ундиришда турлича амалиёт шаклланган.

Юқорида кўрсатилган Қонун нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, шунингдек, янги тақдирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларига асосан «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни янада тақомиллаштириш масаласини қуриб чиқиш мақсада мувофиқ кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 133-моддаси биринчи қисмининг 5-банди, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни 4-моддаси биринчи қисмининг 4-банди, 67, 69, 70, 72 ва 85-моддаларига асосан, Конституциявий суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

- «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмининг Савдо-саноат палатасига оид нормаларига қуйдаги мазмунда шарҳ берилсин:
- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган давволари (аризалар) бўйича «...кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган микдорига мутаносиб равишда ундирилади» деган нормани, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан давво талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, деб тушуниш лозим.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунни янада тақомиллаштириш масаласини қуриб чиқиш тавсия этилсин.
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ушбу қарори «Халқ сўзи» газетаси, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси ва Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.
- Мазкур қарор қатъий, унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас ва у расмий эълон қилинган қундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

Тошкент ш., 2025 йил 31 январь, КСҚ-2-сон

орқали таълим сифатини ошириш мақсадида Академия қошида етакчи хорижий олий таълим ташкилотларининг юқори малакали мутахассисларидан иборат ўқув-методик кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.

Таълим самарадорлигини ошириш, курсантларнинг замонавий билимлар-нинг юқори малакали мутахассисларидан иборат ўқув-методик кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.

Таълим самарадорлигини ошириш, курсантларнинг замонавий билимлар-нинг юқори малакали мутахассисларидан иборат ўқув-методик кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.

Таълим самарадорлигини ошириш, курсантларнинг замонавий билимлар-нинг юқори малакали мутахассисларидан иборат ўқув-методик кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.

Таълим самарадорлигини ошириш, курсантларнинг замонавий билимлар-нинг юқори малакали мутахассисларидан иборат ўқув-методик кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.

Таълим самарадорлигини ошириш, курсантларнинг замонавий билимлар-нинг юқори малакали мутахассисларидан иборат ўқув-методик кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.

Таълим самарадорлигини ошириш, курсантларнинг замонавий билимлар-нинг юқори малакали мутахассисларидан иборат ўқув-методик кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Китоб ўқиганга яна бир рағбат

Анджон тумани ҳокимлиги томонидан аҳолини китобхонликка кенг жалб этиш мақсадида танлов эълон қилинди. Унинг шартига кўра, асосан, ёш оилалар ўз хоҳиши билан “Китобхон оила” дастурига аъзо бўлиши ва уч ой давомида сараланган 5 та китобни ўқиби, бошқаларга ҳам тарғиб қилиши керак.

Танлов голиблари фақат муносиб рағбатлантирилиб қолмай, балки шу давр ичидаги уларнинг коммунал тўловлари ҳам тўлаб берилди.

— Масаланинг моддий томонига қизиқиб дастурга аъзо бўлишни истовчилар кўпайиши табиий ҳол, — дейди халқ депутатлари Анджон вилояти Кенгаши депутаты Матлубахон Ғаниева. — Мақсад аҳолини китобхонликка, маънавиятга, маърифатга жалб этишдан иборат. Шу боис оила аъзоларининг ўқиган китоблари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўрганиб борилди.

Мазкур лойиҳа кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Сўнгги уч кун ичида танловда иштирок этмоқчи бўлганлар сони 4 минг нафардан ошгани бунга яққол мисолдир.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

«Ташаббусли бюджет» —

муаммоларга ечим

Риштон туманидаги “Богистон” маҳалла фуқаролар йиғини аҳли ўзаро уюшқоқлик кўрсатиб сўнгги йилларда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида 4 маротаба голиб бўлди. Бунинг натижасида ҳудуддаги мактаб ва оилавий поликлиника мукамал таъмирдан чиқарилди. Ижтимоий соҳа муассасаларига қўйш панеллари ўрнатилди. Ички кўчалар асфальт қилинди ва электр тармоқлари янгиланди. Яқин кунларда замонавий стадион фойдаланишга топширилади.

Маҳалла марказида чевархона, сарта-рошхона ташкил этилди. Шу кунларда эса богистонликлар ташаббуси билан фуқаролар йиғини биносида мўъжазгина кутубхона иш бошлади. Ҳозирда кутубхона фондини янада бойитиш мақсадида маҳалладаги 680 та оила камида биттадан китоб тўхфа қилиши бўйича акция ўтказилмоқда.

— Қарийб 2,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилувчи маҳалламиз ўзининг гило-си, қантак ўрнига ва лимони билан юрти-мизда доғи кетган, — дейди “Богистон” МФЙ раиси Абдусалом Йўлдошев. — Маҳалламиз ахлининг 800 нафарга яқини ёшлардан иборат. Шу боис баркамол авлод вакилларига замонавий шароитлар яратиби беришни устувор вазифа сифатида белгилаб олганмиз.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Мазмун ва мундарижага бой фестиваль

Навбатдаги йирик тадбир — I халқро Наманган автофестивали шу йилнинг 22 феврилида ташкил этилади. Вилоят ҳокимлигининг ушбу ташаббуси орқали ёш техник ва автохаваскорларни қўллаб-қувватлаш, автомобиль тунинги саноатини ривожлантириш, ихлосмандлар учун янги имкониятлар яратиш ҳамда автотуризм соҳасига янгидан-янги лойиҳаларни олиб кириш мақсад қилинган.

Ташкилотчилар фестивални бетакрор мазмун ва мундарижага бой ҳолда ўтказиш дастурини ишлаб чиқди. Унга кўра анжуман аввалида ретро автомобиллар кўргазмаси уюштирилиб, тарихий машиналар ҳозираси намойиш қилинади. “Тюн-ни” автомобиллари мусобақасида эса иштирокчилар энг креатив ва шиддатли автомобиллар билан яқиндан танишади. Автохунармандлар мусобақаси энг моҳир усталарнинг чинакам беллашувиغا айланади.

Анжуман доирасида шаҳар бўйлаб автотараб, автоаукцион ва эҳтиёт қисмлар ярмаркаси, катринг мусобақалари ҳамда қимматбаҳо спорт автомобиллари намойиш қўзда тутилган. Халқро фестивалнинг асосий тадбирларини Давлатобод туманидаги “Афсоналар водийси” тематик паркида ўтказиш режалаштирилган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАСКАНИ

Ички ишлар вазирлиги Академияси мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини малакали кадрлар билан таъминлаб келаётган, замонавий инфратузилма ва салоҳиятга эга таълим муассасаси сифатида эътироф этилади.

Пресс-тур

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 1994 йил 2 сентябрда очилган мазкур Академияда 1994 — 2024 йиллар давомида ички ишлар органлари учун 20 мингга яқин малакали ёш офицерлар, 1000 нафардан ортиқ раҳбар кадрлар ва 12 мингга яқин сержантлар тайёрлангани ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

ИИБ Академиясида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун уюштирилган пресс-тур аввалида Академия бошлиғининг ўринбосари Шерзод Тожиметов таълим муасса-



сасининг мақсади ва фаолияти ҳақида маълумот берди. Кейинги йилларда ўқув жараёнига татбиқ қилинган илғор ёндашувлар, ихобий натижалар тақдироти ўтказилди.

Шундан сўнг пресс-тур иштирокчилари ахборот-ресурс маркази, ўқув ва амалий машғулот хоналари, спорт секциялари, тураржой масканларида бўлиб, курсант ва тингловчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Мулоқот жараёнида профессор-ўқитувчилар ва таълим олувчилардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Назария ва амалиёт ўйғунлигини таъминлашга қаратилган механизмлар, ўқув тергов-тезор гуруҳлари фаолияти, замонавий криминалистик лабораториялар, хориқ тажрибасини ўрганиш ва ёшларни юксак ватанпарварлик ру-

МАҲАЛЛАНИНГ

Сирдарё вилоятининг барча туман, шаҳар маҳаллаларида “Оқила аёллар” ҳаракати фаолияти йўлга қўйилиб, бугунги кунда ҳаракат аъзолари самарали иш олиб бормоқда.

Яшаётган қадриятлар

— “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоларини қирқ йилдан буён экранлардан тушмай келаётган “Суюнчи” фильмининг бош қаҳрамони Анзират буюнга ўхшатаман, — дейди Гулистон шаҳар ҳокими ўринбосари Азиза Пайзиева. — Анзират буюни бежиз маҳалланинг виждони дейишмаган. У борлиги тўғайли қишлоққа ўри тушмайди. Оилавий ажримлар бўлмайди. Орадан меҳр-оқибат кўтарилмайди. Кексаю ёш унинг ўғитларига қулоқ тутади. Бизнинг оқила аёлларимиз ҳам айнан Анзират буюнининг издошлари десам, адашмаган бўламан.

Шаҳримиздаги 24 та маҳалланинг барчасида “Оқила аёллар” ҳаракати раҳбари бор. Улар ўз атрофига 15 нафардан пирү бадавлат, маънавиятли, билимли, намунали оила бекалари, ибратли қайноналарни жамлаган. Айниқса, “Ибратли”, “Бахт”, “Шодлик”, “Дўстлик”, “Бого шамол” маҳалла фуқаролари йигинлиридаги “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоларининг фаолияти таҳсинга лойиқ. Жумладан, Ибратли маҳалласидаги “Оқила аёллар” ҳаракати раҳбари Мамлакат Бекмановани воҳамиздаги аёллар яхши танийди. У етакчилигидаги оқила аёллар, буювжонлар оилавий ажримларни ҳал қилиш, қайнона-келин муносабатларини яхшилашга ҳисса қўшиш-

дан ташқари ҳудуддаги мактаб ва турли бошқа жамоалар ҳузурига тез-тез бориб, ёшларга маънавият бўйича сабоқ беради. Шунингдек, китобхонлиқни тарғиб этиш, янги китоблар тақдиротини ўтказиш, мактаб кутубхонасини янги китоблар билан бойитишга ҳисса қўшиш каби хайрли ишларга бош-қош.

Дарҳақиқат, бугунги кун аёли — бу нафақат она, уй бекаси, балки таълим олиб, касб эгаллаётган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, янги марраларга эришаётган ижтимоий фаол шахсдир.

Шу билан бирга, улар турли соҳаларда фаолият юритиб, янги Ўзбекистонни бунёд этиш, ҳаётимиз фаровонлигида қатнашаётган фидойилардир.

— Маҳалламиздаги пирү бадавлат кекса онахонларнинг барчаси оналарни жамлаган. Айниқса, “Ибратли”, “Бахт”, “Шодлик”, “Дўстлик”, “Бого шамол” маҳалла фуқаролари йигинлиридаги “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоларининг фаолияти таҳсинга лойиқ. Жумладан, Ибратли маҳалласидаги “Оқила аёллар” ҳаракати раҳбари Мамлакат Бекмановани воҳамиздаги аёллар яхши танийди. У етакчилигидаги оқила аёллар, буювжонлар оилавий ажримларни ҳал қилиш, қайнона-келин муносабатларини яхшилашга ҳисса қўшиш-

«АНЗИРАТ БУВИЛАРИ»



мизга аралашманг, бу сизнинг ишингиз эмас” деган гапни айтмайди. Чунки қишлоқ хонадонларида вояга етган йилгит-қизлар ота-оналари, бобо ва буювжонларидан “Бир болага етти маҳалла — ота-она” деган тамойил асосида тарбия олган. Маҳалламизнинг бошқа маҳаллаларга келин бўлиб тушган қизлари ҳам шу тартибга риоя қилади.

Болалар тарбиясига ана шундай катта эътибор тўғайли қишлоғимизда ўтган йиллар мобайнида бирорта ажрим қайд этилмаган. Маҳалламизда яна бир ибратли удум мавжуд. Кимнинг уйида бирор тўй-ҳашам, маърака бўлса, келинлар қайноналари бошчилигида кўмак-ка келади. Маҳалламиз ахлининг чорвачилик ва деҳқончиликдан ташқари яна бир ажойиб юмуши борки, у тўғайли довғури элга достон. Аҳоли азалдан қовунқоқи тайёрлаш билан шуғулланади. Ҳамма хонадонларда қайноналар

бошчилигида келинлар шу иш билан машғул бўлади. Яна бир нарсаси билан мактансак арзийди, бизнинг маҳалладан бир нафар ҳам аёл иш излаб, хорижга кетмаган. Маҳалламиздаги бундай ҳавас қиларлик ижтимоий-маънавий муҳитнинг мустаҳкам қарор топишида, албатта, “Оқила аёллар” ҳаракатининг салмоқли ҳиссаси бор.

Чиндан-да, бугун маҳалла тизимидаги ана шундай ибратли ишлар ва уларда хотин-қизларнинг бевосита иштироки ҳақида сўз юритиладиган бўлса, “Оқила аёллар” ҳаракати тилга олинади. Чунки тузилма ўз номига яраша, доимо ҳаракатда, изланишда.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятидаги “Оқила аёллар” ҳаракатининг 4 минг нафарга яқин аъзолари оила ва хотин-қизлар тизимининг чин маънодаги кўмакчиси, воҳа аёлларининг дилдошу сирдошига айланган. Ўтган йилда ҳаракат аъзолари томонидан

миллий қадриятлар, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбияси, ёшларни Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оила муқаддаслиги тушунчасини, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида кўплаб юмушлар бажарилди. Уларнинг самараси бугунги ижтимоий, маънавий ҳаётда, маҳалла тизимида, оилада ўз ифодасини топмоқда. Энг муҳими, ҳаракат аъзолари маҳаллалардаги ҳар бир хонадонга кириб, оилаларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлмоқда. Низоли ҳолатларни бартараф қилишга, турли муаммоларни ҳал этиш, жумладан, оилавий ажримлар сонини камайтиришда фаол қатнашмоқда.

Холида ПАРДАБОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Муборак сарчашмалар МУНОЖОТ ТОҒИНИНГ СЎНМАС ҚУЁШИ

Ўтмишда тасаввуф тарихига бағишлаб ёзилган барча таъкираларда “икки жаҳон қуёши” — Сўхайл ибн Омир Увайс Қараний чуқур эҳтиром билан тилга олинади. Уни “Яман юлдузи” деб ҳам аташган. Ривоятларга кўра унинг отаси Омир яманлик бўлиб, Мурод қабилисининг қарн уруғига мансуб. Қорақалпоғистон, Наманган вилояти, Тожикистонда ва ҳатто Туркияда ҳам унинг номига барпо этилган қадамжолар учрайди.

Айрим манбаларда ҳазрати Умар билан ҳазрати Алининг хирқаи шарифни топириши учун Увайс билан учрашуви ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудидаги Султон Увайс тоғида бўлгани, ундаги баланд қояни Султон Увайс Аллоҳга муножот этган жой сифатида “Муножот тоғи” деб ихлос қилиниши келтирилади. Ҳазрат Навоий “Насоимул-муҳаббат” асарида Увайс Қараний Уҳд жангида Пайгамбаримиз (с.а.в.)-нинг битта тишлари синганини эшитиб, ўзларининг ҳамма тишини уриб синдирганини ёзади. Бу ерга зиёратга келганлар Муножот тоғидаги қизил доғларни Увайс бобо тишидан қолган қон, дея эътиқод қилади.

— Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидаги зиёратгоҳ ҳам, у юлғашдан тоғ ҳам Султон Увайс номи билан аталади, — дейди Султон Увайс бобо масжиди имом-хатиби Нуриддин Юсупов. — Маълумотларга қараганда, бу ерда Султон Увайс мақбараси илк бора XIII асрда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ буйруғига биноан қурилган. Аммо Чингизхон қўшинлари томонидан вайрон қилинган. Орадан асрлар ўтиб Хива хони Элтузархон, кейинчалик Оллоқулихон тарафидан мақбара қайта тикланади. Бироқ собиқ тузум даврида мақбаранинг олтиндан аясалган қандили, олтин суви юритилган панжараси, гўмбаз устидаги олтин қуббаси талон-торож қилиниб, вайронга айлантирилди. Ниҳоят, мустақиллик шарофати билан қайта таъмирланиб обод қилинди.

Мақбаранинг шарқий томонида бир чашма бор. Бу чашма халқ ичида “Шифобулоқ” номи билан машҳур. Булоқ суви ҳар қандай иклим шароитида ўз мувозанатини йўқотмайди. Ҳозирги кунда ҳам бу табаррук ҳойда Султон бобомиздан баъзи осориатикалар қолган. Зиёратгоҳ қадимий архитек-

тура услубида қурилган. Султон Увайс Қараний сағанаси гўмбаз шаклида. Сағана атрофи ҳужралар билан ўралган. Зиёратгоҳнинг гарбий қисмида Чинор бобо мақбараси бор. Мақбара гўмбазсимон шаклдаги иморат билан ўралган.

Президентимизнинг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан “Султон Увайс бобо” зиёратгоҳида зиёратчилар учун қўшма шароитлар яратиб бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Шунга кўра 2022 йилда зиёратгоҳга кириш дарвозаси қосин билан безатилади. Мақбарага олиб борувчи 3600 метр йўл янгидан асфальт қилинди. Зиёратчиларга қулай шарт-шароит яратиб мақсадиди таҳоратхоналар ва масжид қурилди.

Айтиш жоизки, зиёратчиларнинг барчаси, айниқса, ёшлар зиёрат одобини билмаслиги мумкин. Юқоридаги Фармон асосида ишлаб чиқилган режа асосида зиёрат одоби ва тартиби акс эттирилган маълумотлар жойлаштириб келинаётир. Шунингдек, асосий йўлларда ва йирик аҳоли пунктларида зиёратгоҳга олиб келувчи йўналишнинг кўрсатувчи йўлқўрсаткич ва ахборот белгиларини ўрнатиш ишлари ҳам олиб боришмоқда.

Маълумот ўрнида: 2019 йилда зиёратгоҳга 100 мингдан ортиқ зиёратчилар ташриф буюрган бўлса, 2020-2021 йилларда қарантин талаблари жорий этилгач қайта таъмирланиб обод қилинган. Утган йилда 247 минг маҳаллий ва 400 дан зиёд хорижий сайёҳлар ушбу зиёратгоҳга ташриф буюрган. “Султон Увайс бобо” қадамжосида зиёрат мавсуми баҳор, ёз ва куз фасллари ҳисобланади.

Файрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).



Зомин деганда, кўз ўнгимизда виқорли тоғлар, кўм-кўк ястаниб ётган адирлар, иқлим шароити ва соф ҳавоси билан эътиборни тортадиган сеҳрли ўлка келади. “Зомин” атамаси фақат зоминликлар учун эмас, ҳамма учун қадрли. Улуғ шоир Ҳамид Олимжон мазкур мисраларни ёзганда нақадар ҳақ эди:

Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон.
Ўзбекистон дея атаду,
Уни севиб эл тилга олур...

Бир ўлкаки...

Зомин тоғларини макон тутган юз йиллик арчалар Жиззах вилоятининг қўрқу саховатидан нишон. Мутахассисларнинг айтишича, бир тул арча томирлари атрофиди 2 тоннагача сув тўпланар экан. Қолаверса, бу даррахт суткасида бир қишлоққа етгулли қислород ишлаб чиқаради. Денгиз сатҳидан 2400 метр баландликда жойлашган 27 минг гектарлик арчазорлар ҳудуд хавосини қислород билан муттасил тўйинтиради. Арчалардан ажраладиган эфир бронхиал астма, томоқ оғриғи ҳамда қон атерогик касалликларга даво ҳисобланади. Шундан шалҳарнинг шовқинли, бироз хиралашган ҳавосидан ёки умуман, дунё ташвишларидан холи бўлиш ниятида юртдошларимиз Зоминга келади. Зомин тоғлари этагида кўплаб санаторийлар, ёзги болалар оромгоҳлари, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари фаолият кўрсатмоқда. Яъни хизмат кўрсатиш соҳасида яхшигина рақобат юзага келган. Табиийки, ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Яқин йилларда атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи ўн бешдан зиёд қонун лойиҳалари қабул қилинди.

Бу ерда 500 йилдан 2,5 минг ёшгача бўлган ноёб табиий арча-

зорларни ва арчазорлардаги ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёсини асраш мақсадида 1928 йил Туркистон тоғ тизмасида “Зомин тоғ арчазорлари” давлат қўриқхонаси ташкил этилган. Орадан 68 йил ўтиб, 1994 йил 7 октябрдаги “Зомин давлат қўриқхонасининг ҳудудий кенгайтириш ва уни қўриқлашни қулайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан қўриқхона ҳудудининг аниқ чегаралари белгиланди.

— Қўриқхона ҳудудида фақатгина кузатув ва илмий тадқиқот ишларини олиб боришга рухсат этилади, — дейди “Зомин давлат қўриқхонаси” директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Қувончбек Тратов. — Бу ерда бошқа, айтилиқ, йилнинг ҳар қандай фаслида ҳам қушлар, судралиб юривчи, сут эмизувчи, ёввойи ҳайвонларни ва умуман, қўриқхонада яшаётган ҳар қандай жонзотларни ов қилиш, турли-туман гиёҳ ва ўсимликларни йиғиш-териш, даррахт, айниқса, арчаларни кешиш, ҳатто турли қўчат алоҳида эътибор қаратишмоқда. Яқин йилларда атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи ўн бешдан зиёд қонун лойиҳалари қабул қилинди.

Бу ерда 500 йилдан 2,5 минг ёшгача бўлган ноёб табиий арча-

Ўзбекистон ва халқро “Қизил китоб”га киритилган қор қоплони, Тянь-Шань кўнғир айғиги, Туркистон силвосини, илвирс, Северцов кўйи (олқор), Сибирь тоғ эчкиси, қора гриф, қора лайлак, соқолли қалхат, бургут, пақана бургут, оқбошли қалхат, лочин ва қизилбошли лочин каби ҳайвон ҳамда қушлар қўриқхона ҳудудида бемалол яшамоқда. Улардан ташқари бўйри, тулки, ёввойи тўнғиз, тасқара, жайра, қўён каби ҳайвонлар, кўплаб чумқўсимон қушлар ҳам давлат муҳофаза-сига олинган. Қўриқхона нозиратчилари томонидан бир йилда икки марта — кузги ва баҳорги ҳисобот ишлари олиб борилади.

Қиш эрта келадиган тоғли ҳудудларда яшовчи ҳайвонлар гоҳида озука тополмай нобуд бўлади. Уларни асраб қолиш учун қўриқхона ходимлари аксарият ҳолларда ўтхўр жониворлар учун ем-хашак, паррандаларга дон қўйиб кетади. Йил давомида ҳайвонларнинг яшаш тарзи, озикланиши, кўпайиши бўйича илмий-амалий ишлар олиб борилади. Шу боис улар юрадиган сўқмоқлар, арчазорларга фотоқоп-қонлар ўрнатишган. Кечаю кундуз уларнинг ҳаракатлари кузатилади.

Ўтган йилнинг декабрида фотоқопқонга тоғ сувсари “тушди”. Ваҳоланки, Зомин қўриқхонасида сувсар борлигини ҳеч ким билмасди. Ҳудудда ҳайвонларнинг янги тури борлиги аниқланди. Хизматчиларнинг вазифалари янада кўпайди. Қўриқхонада миллий бойикларимиз муҳофазага олинган. Уларни асраб келажақ авлодга етказиш, экологик муаммоларни бартараф этишга ҳисса қўшишга барчамиз бурчлимиз.

Рустам НУРМАТОВ
(«Халқ сўзи»).



Етакчиларга спорт жиҳозлари топширилди

Нурафшон шаҳрида жорий йилда “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказиладиган спорт мусобақалари олдидан Тошкент вилоятидаги барча маҳалла ёшлари етакчиларига спорт анжомларидан иборат “Президент совғалари” топширилди.

Шу муносабат билан “Нурафшон арена” ўйингоҳида юштирилган тантанали тадбирда соҳа мутасаддилари қатнашиб, мусобақаларнинг бу йилги мавсумида ҳам ҳақиқий иқтидор эгалари маҳаллада қашф этилишига ишонч билдирди.

Спорт вазирлиги томонидан етакчиларга 2052 дона футбол, 2052 дона волейбол, 2052 дона баскетбол ҳамда 1026 та гандбол тўпидан иборат спорт анжомлари 1025 та маҳалладаги ёшлар етакчиларига тақдим этилди.

Кикбоксингчиларимиз кучлилар сафида

Шу йилнинг 1 — 5 февраль кунлари Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида кикбоксинг бўйича “WAKO India Open International Tournament” мусобақаси бўлиб ўтди.

Ҳамюртларимиз мазкур халқро мусобақада муносиб иштирок этди. Жумладан, жами 30 та медаль (21 та олтин, 7 та кумуш, 2 та бронза) билан спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида 2-уринни қўлга киритди.



Бадминтончи талабалар баҳси

Ҳозирги кунда юртимизнинг барча ҳудудида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Универсиада — 2025” спорт мусобақалари қизгин паллага кириб бормоқда.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида ушбу спорт мусобақаларининг бадминтон тури бўйича республика финал босқичи бошланди.

Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар ушбу беллашувлар нафақат талаба-ёшларни спортга кенг жалб этиш, балки улар ўртасида дўстлик муносабатларини ўрнатиш ва жамоа бўлиб ҳаракатланишга хизмат қилаётганини алоҳида урғулашди.

Айтиш жоизки, бу босқичда барча ҳудуддан 120 га яқин талабалар яққалиқ, жуфтлик ҳамда аралаш дастурларда голиблик учун баҳс олиб бормоқда.

Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри ҳамда Ғузор туманида “Ёшлар соғлом ҳаётни танлайди” шiori остида “Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам” оммавий қириш тадбири ҳамда “Биз гиёҳвандликка қаршимиз” челленжи ташкил этилди.

Аҳоли ўртасида спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган мазкур тадбирда 1,5 мингга яқин турли ёш тоифасидаги аҳоли вакиллари, нурунийлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

«Халқ сўзи».

Миср компанияси Ўзбекистонда фармацевтика соҳасидаги қўшма лойиҳани амалга оширади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 379 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Газетанинг ҳақиқий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6788

Тахриратта келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6